Давлат китоб палатаси
№ 4 897

ЭНГ ЗЎР КОМБАЙНЧИ

Жарқўрғон туман машина-трактор саройининг ишчиси Панжи Холиқов ғалла мавсумининг "Энг зўр комбайнчиси" деб эътироф қилинди. У ёрдамчилари Йўлдош Худойқулов, Бекмурод Эшқобилов билан "Кейс" комбайнида 1075 гектар майдондаги ғаллани сифатли ўрди. Вилоятдаги мавжуд комбайнчиларнинг ўртача иш унумидан қарийб 10 баравар ортиқ натижа кўрсатди. Моҳир комбайнчи пул ва қимматбаҳо буюмлар билан тақдирланди.

Усан ОЛИМЖОНОВ.

ПОКИСТОН ФЕСТИВАЛИ ЧОРЛАЙДИ

Покистон Ислом Республикасининг ярим асрлик тўйи муносабати билан уюштириладиган халқаро фестивалга Ўзбекистондан ҳам ёш санъаткорлар ва театр жамоалари таклиф этилди. Август ойининг биринчи ярмида Карочи ва Исломобод шаҳарларида бўладиган фестивалда Наманган вилоятининг "Келажак бизники" болалар гуруҳи ўз маҳоратини намойиш этади. Лоҳур шаҳрида бўладиган кўрикда Қўқон драма театри жамоаси "Муҳаббат қасри" драмасини кўрсатади.

Абдулла ПЎЛАТОВ.

НОРИНКАПАДА ЛИМОНАД ЗАВОДИ

Норин туманида ижтимоий муаммолар ечимини топмоқда. Гишт заводи, мактаб, қишлоқ шифохоналари қуриш, йўлларни кенгайтириш учун қарийб 41 миллион сўм сарфланди. Норинкапа қишлоғида эса қисқа муддатда 15 миллион сўмлик маблағ ўзлаштирилиб, замонавий лимонад заводи ишга туширилди. 18 минг аҳоли истиқомат қилаётган қишлоқда кўплаб ишчи ўрни вужудга келди. Корхона очилишига бағишланган маросимда вилоят ҳокими Т. Жабборов қатнашди.

Маҳмуджон ПАРПИЕВ.

ОРОЛБЎЙИГА ДОРИ – ДАРМОНЛАР

Экологик жиҳатдан азият чекиб турган Оролбўйи аҳолисига моддий ва маънавий ёрдам кўрсатиш ишлари давом этмоқда. Хусусан, Нукусдаги тиббиёт-техника марказига инсонпарварлик ёрдами сифатида АҚШдан келтирилган тиббиёт асбоб-ускуналари ва турли дори-дармонлар жойларга тарқатилди. 19 контейнерга жойланган 370 тонналик хайрия юклари Мўйноқ, Қўнғирот, Хўжайли туманларига, республика пойтахтининг 1-касалхонасига ва бошқа даволаш муассасаларга тақсимланди.

Рейимбой ЕШИМБЕТОВ.

Ватанни севмак иймондандур!

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Ўзбекистон Халқ демократик партияси газетаси

1997 йил 29 июль, сешанба № 88 (22.172).

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

МУСТАҚИЛЛИК ЙИЛНОМАСИ

1993 йил 28 июль — *Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Қозоғистон Республикасига ташрифи давомида икки томонлама муҳим ҳужжатлар имзоланди, МДҲ давлатларининг бошлиқларига мурожаатнома қабул қилинди.*

1996 йил 29 июль — *Саудия Арабистонидаги подшоҳ Сауд номидаги университетнинг сиёсий фанлар факультети мударриси, сиёсий фанлар номзоди, Марказий Осиё минтақаси бўйича мутахассис, доктор Солиҳ Муҳаммад Хатлон Подшоҳликда тарқатиладиган «Ал-Жазира» газетасида (1996 йил, N 8645) Ўзбекистон Президенти И. Каримовнинг «Ўзбекистон иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш йўлида» китоби ҳақида мақола эълон қилди. Унда Ўзбекистонда 1991 йилдан буён юз бераётган иқтисодий, ижтимоий ва маънавий ўзгаришлар эътироф этилди.*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони

В. С. БЕГАНОВНИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ СОЛИҚ ҚЎМИТАСИНИНГ РАИСИ ЭТИБ ТАЙИНЛАШ ТЎҒРИСИДА

Виль Савельевич Беганов Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг раиси этиб тайинлансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1997 йил 28 июль.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони

Ш. Қ. ГАТАУЛИННИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ СОЛИҚ ҚЎМИТАСИНИНГ РАИСИ ВАЗИФАСИДАН ОЗОД ҚИЛИШ ТЎҒРИСИДА

Шамиль Қодирович Гатаулин бошқа ишга ўтганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси раиси вазифасидан озод қилинсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1997 йил 28 июль.

ҚОРОВУЛБОЗОР: НЕФТЬ МУСТАҚИЛЛИГИ ЙЎЛИДА

Ўктам ШАРИПОВ олган суратлар.

БУ ДУНЁНИНГ ИШЛАРИ

☑ *АҚШнинг Лос Анжелес шаҳрида Москванинг 850 йиллиги муносабати билан халқаро конференция очилди. Конференцияда Россия ва Америкининг таниқли сиёсатчилари, тадбиркор доираларнинг вакиллари иштирок этишмоқда.*

* * *

☑ *Жанубий Шарқий Осиё мамлакатлари уюшмаси (АСЕАН) йўналиши бўйича йиллик тадбир давом эттирилди. Кеча уюшма бўйича шерикларнинг учрашувлари бўлиб ўтди. Бу учрашувларда АҚШ давлат котиби Мадлен Олбрайт ҳам иштирок этмоқда. Учрашувлар давомида Яқин Шарқдаги вазиятни юмшатиш масалалари муҳокама қилинди.*

* * *

☑ *Молдова мудофаа вазири Валериу Посат икки кунлик расмий ташриф билан Москвага келди. У Россия Федерацияси мудофаа вазири Игорь Сергеев билан ҳарбий соҳада икки мамлакат ўртасидаги ҳамкорликни кенгайтириш масалаларини муҳокама қилади.*

* * *

☑ *АҚШнинг БМТдаги доимий вакили Билл Ричардсон Хорватия Президенти Франько Тужман билан Бриони оролидаги ёзги боғда учрашди. Унинг айтишига кўра, Президент Тужман Дейтон шартномасининг учта муҳим йўналиши бўйича ўз мажбуриятларини бажаришга ваъда берган.*

* * *

☑ *НАТО Бош котиби Хавьер Солана Мадридда бўлиб ўтган саммит натижаларига юқори баҳо берди. Айниқса, ушбу ташкилотга учта мамлакат аъзо қилиб олингани НАТОнинг катта ютуғидир, деди у. Бунда европаликлар харажатларни ўзлари кўтаришга рози бўлганликларини қувонч билан таъкидлади. У сўзининг якунида НАТО XXI асрга дадил қадам қўяётганлигини ҳам айтиб ўтди.*

Истиқлол саодати

ЖАҲОН АНДОЗАЛАРИГА МОС

Энди, бу гўшанинг манзараси ўзгача. Саранжом-саришталик, файзу тароват ҳукмрон. Гулзору соябонли ўриндиқлар. Дов-дарахтлар билан ўралгани ўзига хос салқин ва сокинликни касб этган. Табиатнинг дилтортар бурчаги десак, муболаға бўлмас...

Сираси, илгари ҳам бу ерга кўп марта келардик. Зеро, кунгил тўлмасди. Қандайдир биқиқлик, зах босиб, нураб қолган бинонинг мунғайиб туришию дилхираликдан ўнғайсизланардик. Уз даврининг ифтихори бўлган моҳир сузувчи, хизмат кўрсатган спорт устаси Эркин Шагаевнинг эътирози ёдга келади:

— Биласиз, «Меҳнат» жамоаси йигитлари қатори турли шаҳарларда бўлиб, сув тўпи баҳсларида қатнашишга тўғри келарди. Кейин ўйлайман, наҳотки шундай шароитни Тошкентда ҳам эплаб бўлмаса, дейман. Ахир, марказдан келганлар: «яна ҳаммомга тушар эканмиз-да», деб саройимизни масхара қилишади-да. Қаранг, ҳавосию овозларни жаранглаб кетиши ҳаммомсифат...»

Ҳа, шундай эди. Собиқ иттифоқ даврида кўпроқ марказий шаҳарларнинг спорт иншоотларига эътибор қилинар, «беполён Ватан»нинг қишлоғи даражасида турувчи Узбекистон спорти истиқболига панжа орасидан, аҳамиятсиз қараларди. Мана энди ҳурлик, истиқлол, мустақиллик... Бу сўзларнинг Ватан ифтихорига ўйғунлиги, сурурбахшлигини гўё денгиз нафаси келиб турган, оҳиста чайқалиб, нуқраларда қуёш жилваланаётган сув бўйида кўпроқ ҳис этдик. Худди равзаий ковсар қўйнида яйраб, тиниқликдан энтикаётганлар эса тетик, кайфиятлари чоғ.

— Қани, марҳамат қилиб ичкари «ҳосхона»ларимизни ҳам бир кўринглар-чи, — деб илтифот кўрсатади директор Баҳодир Тожиев. — Бугунги кунда пойтахтнинг сув спорти саройи деб эъзозланадиган, аслида Митрофанов номи билан юритилувчи спорт-соғломлаштириш мажмуи ҳисобланган бу гўшага пойдевор қўйилганига ҳам қарийб 35 йил бўлибди. Зеро, бу йиллар мобайнида биномиз асл ҳолида қуркамлик касб этмади, десам ишонаверинг. Боиси, таъмирлаш, шу кун талабларига мослаштириш учун катта куч ва маблағ зарур бўлган. Узига хос муаммо счимини топиш масаласини эса давр гирдоби суриб юраверган. Мана бўларкан-у, бино ҳам таъмирланди, унинг ёнида ажойиб ёзги бассейн ҳам бунёд этилди. Энди бу ерни ишқибозу мутахассислар у ёқда турсин, ҳатто хорижий талабчан ишбилармонлар ҳам юқори баҳолашади. Ички ва ташқи сув ҳавзаларимизнинг ҳажми ҳар жиҳатдан жаҳон андозаларига мос.

Ҳозир нафақат спортчилар машқ ўтказишлари, мусобақаларда баҳслашишлари учун барча шароитлар муҳайё, балки дам олиш учун ҳам имконият бор. Ниятимиз пойтахт аҳолисига хизмат кўрсатиш, одамлар саломатлигини мустаҳкамлаш, соғлом авлодни шакллантиришдек хайрли ишга ҳисса қўшишдан иборат...

Дарвоқе, сарой мажмуи мутасаддисининг таъкидлаганича бор. Бинонинг ойнабандлиги, ҳовузининг кошин ва мармар билан безатилгани ўзига хос улуғворлик ва мунавварлик касб этган. Сувнинг мусаффолиги эса тавсифга сиғмас. Қушимча ҳоналар, спортчилар ва дам олувчиларга мўлжалланган шарт-шароитлар ҳам кўнгилдагидек. Бу ерга ташриф буюрган ҳар бир киши аввало тиббий кўрикдан ўтказилиб, ювинтирилиб, кейин ҳовузга қўйилар экан. Бу ҳаммаси покизаликка эътибор ва ораста-ликдан нишонадир. Кунига 500 кишига хизмат кўрсатиляпти. Келувчиларнинг сафи эса кўпаймоқда. Турли корхона ва муассасаларнинг пул ўтказиш йўли билан ўз жамоа аъзоларини мароқли-мазмунли дам олиб, соғлиқларини яхшилашларига имконият яратаётгани диққатга сазовор. Бундай ташкилотларнинг сони 200 дан ошиб кетибди.

Маданий-маиший хизмат кўратиш ҳам жойида. Ёқимли мусиқа таралиб туради. Кафе-барда кунгилтусар егуликлар бисер. Узаро суҳбатлардан шу нарса аён бўлдики, сув спорти саройининг имкониятларидан янада тўлиқроқ фойдаланишга эътибор қилинаётган экан. Хусусан, биз учун қизиқарли бўлган дельфинлар билан яқиндан «мулоқотда» бўлиш, албатта мароқли кечиши табиий. Агар сарой жамоасининг ўйлаган режаси рўёбга чиқиб, дельфинлар томошаси кўрсатилса, ҳуп ажиб ва унутилмас воқеа бўлардида.

Узаро суҳбатда сарой директори бир ноқулайлик ҳақида ҳам мулоҳаза билдириб ўтди. Хусусан, қиш-қировли ойларда ичкаридаги улкан ҳовузнинг суви ҳамиша 26 даража ҳароратни кўрсатиши керак экан. Шунга эришиляпти ҳам. Бу борада «Фотон» заводида фойдаланилиб, сунг чиқариб ташланадиган буғ шу сарой зарурати учун аст қотмоқда. Лекин сув ситишнинг ана шу усулига тўланадиган ҳақ бироз қимматлик қилаётган экан. Агар шу масала ҳал бўлса, шаҳарликларга сув саройидан фойдаланиш янада қулайроқ кечган бўлурди.

Қуркам бинодан узоқлашар эканмиз, саройни таъмирлашда астойдил хизмат қилган Югославия, Исроил мамлакатлари ҳамда «Узагростройр» қурувчиларининг меҳнатларига тасаннолар айтдик. Кейинги олти йил мобайнида эътибор топиб, спортчию дам олувчиларнинг севимли масканига айланган бу гўшанинг истиқлол саодатидан баҳраманд бўлганидан кунглимиз таскин топди.

Ҳайдар НОСИРОВ,
Хайрулло АБДУЛЛАЕВ.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ АХБОРОТИ

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 1997 йил 29 июлидан бошлаб ҳисоб ва божхона тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади: /*

1 Австралия доллари	49,99
1 Австрия шиллинги	5,24
1Англия фунт стерлинги	112,45
10 Бельгия франки	17,79
1 Голландия гульдени	32,61
10 Греция драхмаси	2,36
1 Дания кронаси	9,65
1 БАА дирхами	18,46
1 АҚШ доллари	67,78
1 Миср фунти	20,04
1 Ирландия фунти	99,16
1 Исландия кронаси	0,95
10 Испания песети	4,36
100 Италия лираси	3,77
1 Канада доллари	48,96
1 Хитой юани	8,18
1 Қувайт динори	222,87
100 Ливан фунти	4,40
1 Малайзия рингги	25,59
1 Германия маркаси	36,73
1 Норвегия кронаси	8,91
1 Польша злотийси	19,72
10 Португалия эскудоси	3,64
1 Сингапур доллари	46,03
1000 Туркия лираси	0,43
1 Финляндия маркаси	12,43
1 Франция франки	10,90
1 Швеция кронаси	8,56
1 Швейцария франки	44,56
1 ЭКЮ	72,63
10 Жанубий Корея вони	0,76
10 Япония иенаси	5,78
1000 Россия рубли	11,70
1 Украина гривнаси	36,50
1000 Белорусь рубли	2,50
1 Эстония кронаси	5,35
1 Латвия лати	116,26
1 Литва лити	16,95
1 Қозоғистон тенгеси	0,90
1 Қирғизистон соми	3,93

****/ Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.***

«БУ ҚАЙСИ МАМЛАКАТ...» БИРОДАР?

Бундан тўққиз-ун йил муқаддам Гуржистонга боришимга тўғри келган. Илк таассуротим Тбилиси шаҳрининг ҳамма кўчалари, дўконлар пешонасидаги, метро, автобус... Хуллас, ҳаммаҳамма жойдаги ёзувлар фақат ва фақат гуржи тилида экан. Тўғриси, ёшлигимга борибми ёки қонимда «қайта қуриш»нинг «ғайрати» қўзиб турганлиги сабаблими, бу иш кўзимга жуда ғалати кўринган. Гуржилардан хафа ҳам бўлганман...

Орадан сал ўтмасдан уларга ҳавас қиладиган бўлдим. Миллат дегани ўз тилини, урф-одатини, қадриятларини шундай ҳурмат қилса керак-да. Биз эса, ўз юртимизда, ўз она тилимизга давлат мақоми беришга қанчалар қийналдик. Ҳалиям бўлса тан олиш керак, юртбошимизнинг саъй-ҳаракатлари билан асрий орзумизга эришдик. Узбек тили расман давлат тили сифатида эътироф этилди. Лекин...

Ҳамма гап мана шу лекинда-да.

Тилимиз расман давлат тили мақомини олгач, аввалига дўппимизни осмонга отдик. Ўйладикки, энди ҳамма ўз-ўзидан ўзбекчани ўрганаверади. Бундай қарасак, фикримиз нотўғри бўлиб чиқди. Идоралар, ташкилотларнинг иш юритиш услубини ўзбекчалаштириш учун озмунча ҳаракат қилдикми? Худога шукр-ки, бугунга келиб тилимиз энг юқори минбарларда ҳам минг оҳангда товланиб янграмоқда. Дунёни мафтун қилмоқда. «Узбекистон икки тилли давлат бўлиши керак» деб аюҳаннос солганлар ҳам тинчиб қолишди. Аниқроғи, тилимизнинг мақомини

Қўнғироқ

тан олишди. Лекин...

Буни қарангки, яна гап келиб ана шу лекинга тақалади.

Яқинда «Ҳамза» номидаги метро бекатидан «Халқлар дўстлиги» метро бекати томон келаётсак, икки хорижлик «ай, момент» деб қолди. Тухтадик. Чала ўзбек, чала урис, чала инглизчадан англаганимиз шу бўлдики, улар биздан «бу қайси мамлакат», деб сўрашаётган экан. Аввалига тушунмадик. Уларнинг соддалигидан кулдик. «Бу Тошкент. Узбекистоннинг пойтахти», деб тушунтиришга ҳаракат қилсак, қўллари билан реклама тахтасига имо қилишди.

Тахтада ўзимизнинг Асакадан чиққан «Нексия» машинасининг уйдай келадиган гўзал суврати. Остига эса, отнинг калласидай қилиб рус тилида ёзилган. Ҳалигиларнинг олдида ёмон мулзам бўлдик. Номига хайр-маъзур қилиб жўнаб қолдик. Қизиқсиниб «Ҳамза» ва «Халқлар дўстлиги» метролари оралиғидаги реклама тахталарини санадик. Уттиздан ортиқ экан. Аксига олиб бир-иккитасини ҳисобга олмаганда асосий тахталарни рус сўзлари билан «безашган».

Шундан сунг «Олой» бозори томонга ўтдик. Шундай бозорнинг атрофи (Юнусобод йўли)даги реклама тахталар ҳам рус тилида тўлдирилган. Тўғриси, буни қандай тушунишни ҳам билмадик. Давлатимиз мустақил бўлса, тилимиз давлат тили ҳисобланса-ю, кўча-кўйда осилган реклама тахталари асосан русча битилса? Ушбу мақолани ёзишдан мақсадимиз, балки лўқмамиз шаҳар ҳокимлигидаги мутасаддиларнинг ёки реклама тахталарини тайёрловчи акахонларимизни озгина ҳўшёр торттирар деб ўйладик. Ҳар ҳолда бу ишнинг бошида ким турган бўлса ҳам, мустақил давлат ва унинг расмий тилини ҳурмат қилишни ўрганиб қўйса, фойдадан ҳоли бўлмасди. А, нима дедингиз?..

Ислом ҲАМРО,
«Ўзбекистон овози» мухбири,
Аслон ҚУРБОНИЁЗОВ,
журналист.

Ислоҳот ва масъулият

АНДИЖОН ГАЗЛАМАСИ

Истиқлол шарофати-ла ишлайман деганларга кенг имкониятлар очилди. Тадбиркорлик кучайди. Халқимизнинг меҳнатсеварлиги ҳорижликлар эътиборига тушди. Йирик енгил саноат корхонаси — Заҳириддин Муҳаммад Бобур номли Андижон ип-газлама ишлаб чиқариш ҳиссадорлик жамияти сифатли маҳсулотлари, мамлакат ва жаҳон иқтисодиёти интеграциясига қўшган муносиб улуши учун халқаро «Олтин глобус» совринига сазовор бўлган эди. Жамоанинг бу соврини қаторига Гран при мукофоти ҳам қўшилди.

Жаҳон бозорининг юксак баҳосини олган жамоа фаолияти ҳақида сўз юритишга жазм этдик.

Халқимизнинг тартиб-интизом остонадан бошланади, деган ибратли сўзларини эслаб корхонага кираверишдан атрофга разм солдим. Йўлнинг икки томонидан суриткларда товланган тилларанг



узумлар, шохини кутаролмай эгилган шафтолию нокларни бағрига олган кичик боғларга туташ иссиқхоналар мисоли мўъжиза.

Тўғри йўл бўйидаги маиший хизмат мажмуида савдо дуконлари, гўзаллик салонлари, модалар ательеси, қаҳвахона бирбирини тўлдириб кўпчиликнинг хизматида. Сменадан чиқиб сочингизни текислатиб, рўзғор халтангизни зарур неъматлар билан тўлдириб уйга қайтиш ишловчиларнинг кунглидаги қулайлик. Иш вақти тугаб-тугамас бозорга чопиш ташвишидан халос бўлганингиз яна бир роҳат.

Тўйга тараддуд кураётган қизлар охорли либосларини тиктиришга ҳам шароит бор. Анча арзонга бажарилишини айтмайсизми?!

Ишчи-хизматчиларга ташқари ҳовлида бошланган қулайлик яратиш имконияти ишлаб чиқариш жабҳаларида янада ўзига хослик билан давом эттирилгани эътиборли. Йиғув фабрикаси кираверишида миллий меъморчилик асосида тикланган фаввора кунглингизни хуш этади. Фавворага монанд гуллар гўзалликка чирой қўшади, мармар пол ёг тушса ялагудек тоза. Шундай оромбахш шароит ишингизга унум бериши аниқ.

Жамоада барчанинг бир бўлиб ягона мақсад билан меҳнат қилаётганининг салмоқли натижаси ҳар қадамда сезилади. Замонавий дастгоҳлар келтириш, ўрнатиш, ишга тушириш ҳаракати илгарилаш омили бўлмоқда. Бу тадбир режали асосда тўқув ва йигирув фабрикаларида бошланиб пардозлаш фабрикасида давом эттирилади.

Маъруфжон МАҲМУДОВ,

корхона бош мухандисининг ўринбосари:

— Ип-газлама маҳсулоти сифатига йигирув фабрикасида замин яратилади. Яхши йигирилган калава-ипдан кўркам маҳсулот тўқилади. Шу боис ҳам илгор технологияни қўллашга эътибор бераяпмиз. Германиянинг номи чиққан «Холинсг форп» фирмаси билан ҳамкорлик туфайли тараш дастгоҳларига сервис хизмати кўрсатадиган устахона янгидан жиҳозланди. Замонавий дастгоҳлар ўрнатилгани меҳнат унумдорлигини оширди.

Швециянинг «Акаф» фирмасидан келтирилган дастгоҳни уч киши бемалол бошқаради. Автоматлашган дастгоҳ пахта газламасидан соатига 400 дона чойшаб тайёрлайди.

Илғор технологияни жорий этиш изчил давом эттириляпти. Швецариядаги «Ритер» фирмасида тайёрланган программа асосида ишловчи роботли калва-ип тайёрловчи 7 та замонавий дастгоҳни ўрнатиб бўлдик. Бу дастгоҳлар бир кеча-кундузда беш тонна калава-ип ишлаб чиқариш қувватига эга. Одатдаги дастгоҳларга қараганда унумдорлиги 4,5-5 баробар устунлигини айтсам, самара янада аниқроқ кўринади.

Илғор технология — эртанги кундаги муваффақият калити. Келгусида комбинатнинг техник қуввати тўлиқ замонавий технология билан янгиланади. Бу ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг жаҳон бозори талабларига жавоб беришини таъминлайди.

Ҳиссадорлик жамияти бош директори Абдуғаффор Аҳмадалиев жаҳондаги ривожланган мамлакатларда бўлганида ибратли тажрибаларнинг маъқулларини сабот билан комбинатда амалга оширишдан чарчамайди. Янгиликни дадиллик билан бошлаб давом эттиради.

Тўқув фабрикаси 2 та катта ишлаб чиқариш жабҳасидан иборат эди. Бу жойларнинг чоғроқ цехларга бўлиниши натижаси кутилганидан ҳам зиёда бўлди. Меҳнат унумдорлиги икки баробар ошди. Авваллари кунига 60 минг погон-метр хом бўз тайёрланса, ҳозир бу натижа 170-180 минг погон метрга етмоқда. Ўзгариш туфайли ишчи-хизматчиларга қатор қулайликлар ҳам яратилди. Цехлар яқинида кўркам ошхонаю, хордиқ масканлари барпо бўлди.

Мустақиллик жаҳон бозорига чиқишнинг турли ғовларини олиб ташлади. Жаннатмакон юртимизда битган гиёҳ, яратилган буюм, тўқилган мато харидорлар эътиборида турганида комбинат жамоаси хорижлик шериклар билан алоқа боғлади. Ҳозир ҳамкорларнинг рўйхати узун. Дания, Германия, Туркия, Сингапур, Эрон, Бельгия сингари давлатлардаги фирмалар, тижоратчи жамоалар Андижон ип-газлама ишлаб чиқариш ҳиссадорлик жамиятида тайёрланган бўз, ип-калаваларни маъқул кўриб сотиб олишяпти. Кундан-кунга шартномачилар қаторига бошқалари ҳам қўшиляпти.

Жамоа меҳнатининг тақдирланган лаҳзалари ёддан чиқмайдиган таассуротдир.

— Мексиканинг Мехико шаҳридаги муҳташам саройдаги тақдирлаш тантанасида мукофотларни қабул қилар эканман, жамоамиз меҳнати самарасини дилдан ҳис этдим, — дейди бош директор Абдуғаффор Аҳмадалиев. — Хориждаги мамлакатда кенг даврада мустақил Ўзбекистон Республикаси, Андижон ҳақида ҳарорат-

ли, илиқ сўзлар эшитишнинг ўзи бир бахт. Мустақил мамлакатимизнинг вакили бўлганимдан кунглим ғурур ва ифтихорга тўлди. Жамоамизнинг меҳнати кўз ўнгимдан бир-бир ўтди.

Мамлакатимизда, Андижонда бўлаётган илгарилашлар мустақиллик мевалари жаҳондаги манаман деган ишбилармонлар, илғор саноатчилар, тадбиркорлар ўртасида қизиқиш уйғотгани ҳам нурли кунлар неъмати.

Мамлакатимиз Президенти ҳар доим чет эл инвестициясини келтириш хусусида сўзламоқда. Бу йўл саноатимизни замонавий тарзда жаҳон андозалари асосида ривожланишга кўмак беради. Шу мақсадда ҳамкорлар билан ишлаш ҳаракатини давом эттиряпмиз. Келажакдаги

келишувлар ишимиз ривожига умид уйғотади.

— Мана, яқин беш йилдирки қадрдон корхонада меҳнат қилаяпман, — дейди тўқувчи Дилфузахон Абдуллаева ўзаро суҳбатда. Ҳозир 10 та дастгоҳни бошқариб белгиланган мўлжалдаги газлама тўқишга эришаяпман. Меҳнатимиз натижаси кундан-кунга аниқ кўринмоқда. Дугоналарим билан шижоат билан ишлаш кунглимиздаги ният.

Бу ерда «Анконтекс» қўшма корхонасининг фаолият кўрсатаётгани ҳам янгиликка интилиш самарасидир. Қўшма корхонадаги замонавий дастгоҳларни бошқариб малакали чеварлар тиккан эркаклар кўйлакларини кўрганлар дарҳол харидор бўлишмоқда. Чеварлар чойшаб ва кўрпа ғилофлари, болалар кўйлакларини ҳам бежирим тайёрлашмоқда. «Анконтекс»ни йилига 1 миллион 800 минг дона эркаклар кўйлаги, 750 минг та чойшаб ишлаб чиқариш қувватига етказиш тадбирлари кўрилмоқда. Муаззамхон Хўжаева, Сожидахон Қаҳҳорова, Маҳфузахон Абдуллаева каби чеварлар сифатли маҳсулот тайёрлашни уддасидан чиқишмоқда.

— Яқинда савдо дуконига кириб корхонамизда тикилган кўйлакларни сўриб харид этилаётганининг шоҳиди бўлдим, — дейди Маҳфузахон Абдуллаева. — Эркаклар учун 4 хил фасонда 10 га яқин турда кўйлаклар тикишни уддалаяпмиз.

«Анконтекс»да амалдаги боева, Садбарой Бурхонова, Озода Ҳусановалар малакали тикувчи эканлигини амалда кўрсатдилар. Уларнинг ибратли ишлари мукофот билан тақдирланди.

Қўшма корхона цехларидан ўтаётганимизда бугунги кун нафасини акс эттирувчи «Ишбилармонлик — бу дадил, муҳим ва оғир мақсадларни рўёбга чиқара билиш», «Ишбилармонлик - бу доимо янги нарсани ўйлаб топиш ва бунёд қилишга, борини янада яхшилашга интилиш, ўриниш» деган шиорларни ўқидик. Бу жамоанинг янгича фикрлашга ундайди.

— Ҳиссадорлик жамиятида ишловчиларни ижтимоий ҳимоя қилишга эътибор берилмоқда. Ишловчиларга бепул иссиқ овқат ташкил этилган.

— Корхонамиз боғҳовлиларида, иссиқхоналарида етиштирилган мева-сабзавотлардан кўпчилик баҳраманд бўлмоқда, — дея сўз бошлади жамият касаба уюшмаси қўмитасининг раиси Шуҳратбек Иброҳимов. Маиший хизмат маркази ташкил этилганлиги ҳам кунгилдаги хизмат кўрсатишнинг кафолати бўлмоқда. Бу борадаги ишлар кўламини янада кенгайтиряпмиз.

Фабрикалардаги цехларда замонавий жиҳозланган ошхоналар ишлаб турибди. Ечиниш, кийиниш, хордиқ жойлари талаблар даражасида. 43 та маршрут бўйича ишловчиларни автобуслар корхонага тез элтади. Бундай эътибор ишчи-хизматчиларнинг унумли меҳнатларида мужассамлашмоқда.

Ҳиссадорлик жамияти раҳбари Абдуғаффор Аҳмадалиев билан ҳар гал кўришганда янги ишнинг бошини тутаётганидан хабардор бўламиз. Ҳали хориж технологиясини қандай тарзда келтириш устида бош қотирса, кейин иқтисодиёт ривожига қайси йўл билан эришиш мумкинлигини ўйлайди. Шу боис куннинг биринчи ярмида фабрикалардаги ишлар кўлами билан танишса, тушдан кейин ҳамкорлар билан ишлайди. Тез-тез хорижда ҳам бўлади. Нима бўлса ҳам олдинга интилиш, янгича ишлаб замонга ҳамқадамликка эришиш кунглида туради. Юртга фидойилик, жамоа манфаати учун қайғуриш Абдуғаффор акани жонсарак, жонқуяр бўлишга чоғлантирган. 12 минг ишчи-хизматчи мутахассиснинг бошини бир жойга қовуштириб ягона мақсад сари йўналтириш ҳам осон эмас.

Ўзбек қизларини озода кийиниб, замонавий дастгоҳларни бошқариб маҳсулот ишлаб чиқаришини кўрган раҳбар завқланади. Ҳаракатлар заҳматини унутиб янгиликлар ҳақида режа тузади.

Жамиятдаги янгиланишлар умумнатижада яққол ифода бўлади. Ўтган йил давомида 33 миллион погон-метр хом бўз ишлаб чиқарилган бўлса, бу йилги кўрсаткич 45 миллион погон-метр бўлиши учун ҳаракат бормоқда. Ўтган йилгидан 2000 тонна ортиқ калава-ип ишлаб чиқариш нияти ғайрат-шижоат кўрсатишга чоғлантиряпти. Ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг қарийиб 50 фоизи Европа мамлакатларига экспорт қилинмоқда.

Яна бир айтса арзигулик маълумот. Кейинги вақтда комбинатда иш жойлари қисқартирилмасдан такомиллаштирилди. Янги цехлар ҳисобига ишчи ўринлари барпо этилди. Йил бошидан буён 1865 киши ишга қабул қилинди. Ишлаётганларнинг ўртача ойлик маоши 3800 сўмга тўғри келмоқда. Ойига 10-15 минг сўм, ҳатто ундан ҳам зиёд иш ҳақи олаётганлар талай.

Андижон ип-газлама ишлаб чиқариш ҳиссадорлик жамияти фаолияти билан танишиш чоғида ишчию-хизматчи, мутахассисларда боқимандалик кайфияти йўқолиб, янгича фикрлаш, замонга ҳамқадамлик юзага келаётганини пайқадик. Бу ишга унум, маҳсулотга сифат берувчи омиллардир.

Ҳиссадорлик жамиятида мулкчиликнинг янги шаклини жамоа теранроқ англаб бораётгани кўринмоқда. Ҳозирги куннинг иқтисодий муаммолари ечимини топиш, олдинга интилиш ҳар бир кишининг кунглидаги муддаога айланяпти. Ҳаракатларнинг тақдирланиши кўпчиликни янада унумлироқ меҳнат қилишга даъватлантиряпти. Меҳнатлар натижаси эса мустақил мамлакатимизни, Андижонни жаҳонга танитмоқда.

Аҳмадилло СОЛИЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.
Суратларда: корхона ҳаётидан айрим лавҳалар. Хурсандбек АРАББОЕВ олган суратлар.

Диққат: янги рукн

ВИЛОЯТ ҲОКИМИ ДЕДИ:

— Айрим жамоа хўжаликлари раислари номозшомгулга ўхшаб қолди. Энг долзарб паллада кўрпа-тўшак қилиб олиб шифокорлардан олган бир варақ ёрлиқни ўз мансаб курсисини авайлаш қуролига айлантириб қўйдилар, —деди қишлоқ хўжалик фаолларининг Шўрчи туманида бўлган йиғилишида Сурхондарё вилояти ҳокими Жўра Норалиев.

— Бунақа «эҳтиёткор» раислар билан ҳокимлик бундан буён муомалани бошқачароқ қилади.

Олимжон УСАНОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

***

— Гулистон Тошкентдан қолишмайдиган, у билан рақобатлашадиган шаҳарлардан бўлади, — деди Сирдарё вилояти ҳокими Ўктам Исмоилов қўриқ воҳа марказида очилган, «Гўштсутсаноат» давлат акционерлик жамиятига қарашли замонавий, йирик савдо масканининг очилиш маросимида.

Сўнгги ярим йиллик давр мобайнида шаҳарда қилинаётган катта ишлар, рўй бераётган ўзгаришлар шундай дейишга асос бермоқда. Шаҳарда кўплаб янги фирма дуконлари очилди, қисқа фурсат ичида иккита замонавий супермаркет мажмуаси ишга туширилди.

Шаҳар марказида халқаро талабларга жавоб берадиган уч юлдузлик меҳмонхона қурилмоқда. Жаҳон андозаларига мос келадиган янги стадион қурилиши йўлида амалий чоралар кўрилаётир. Сузиш бассейни тубдан қайта қурилмоқда. Гулистон шаҳри кўчалари, хиёбонларини илгари кўрган одам бугунги кунда танимай қолса, ажаб эмас. Тошкент — Термиз автомагистралининг Гулистон томон бурилиши шаҳар иқтисодий ҳаётида катта ўзгаришлар ясайди.

Абдужалил УМАРОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Луқма

«ТЕМИР ПИРИМ»НИНГ МУРИДЛАРИ...

— Яқинда вилоят кўз касалликлари шифохонасига боргандик. Ўша атрофдаги майдончага машинани қўйиб турсам, бир бола: «тоға, машинангизни қўриқлаб тураман, 10 сўм берасиз», деди.

— Ажабо, бу ерда пуллик автомобиль тўхташ жойи белгиси, қўлингда чиптанг бўлмаса, нега пул тўлайман? — десак нарироқда турган онаси:

— Қўявер ўғлим, бермаса бермас. Темир пиримга солдим. Бир балога дучор бўлар, — деб қолди. Ҳайрон бўлдик. Машина тўхташ жойларида шунақа «бекат назоратчилари»... Умуман, автомобиллар тўхташ жойлар, уларда кўрсатиладиган хизмат ҳақида бирор қонун-қоида борми?

Фарғоналик нафақахўр Т. Абдуқаҳҳоровнинг шикоятидан сўнг воқеани текширсак, чиндан ҳам кўз касалликлари шифохонаси олдидаги пуллик бекат ҳам, унинг назоратчиси ҳам сохта бўлиб чиқди.

Шу ерлик Эътиборхон опа на шаҳар ҳокимлиги, на автомобиль инспекциясидан ёки транспорт экспедиция агентлигидан рухсат олмай, ўзича бу ерда «назоратчи» бўлиб олган экан.

Дарҳақиқат, беш-олти йил бўлди. Шаҳарлардаги, йирик туманлар марказларидаги йўл ёқалари, майдончаларда пуллик автомобиль тўхташ жойлари пайдо бўлди. Дастлаб бундай жойларни транспорт экспедция агентлиги ташкил қилар эди. Бироқ кейинчалик пуллик автомобиль тўхташ жойлари жуда кўпайиб кетди. Биргина Фарғонада марказий универмаг, Деҳқон бозори, ярмарка, отчопар, саноат моллари бозори, вилоят касалхонаси каби савдо корхоналари, бошқа йирик ташкилот ва муассасалар атрофида шундай жойлар кўпайди. Бироқ уларнинг назорати қандай? Фарғона шаҳри деҳқон бозори атрофидаги бозор маъмуриятига қарашли автомобиль тўхташ жойи фаолияти диққатга сазовор. Бу ерда ҳар бир назоратчининг кўксида суратли бекат навбатчиси нишони бор. Келиб-кетаётган машиналарнинг давлат рақами, русуми, тўхтаган муддати алоҳида дафтарда қайд этиб борилади. Автомобиль эгаларига чипта берилади. Кунлик пул даромадлари кирим қилиб турилади.

Афсуски, вилоят шаҳарлари ва туман марказларидаги аксарият автомобиль тўхташ жойларида мана шундай тартиб йўқ. Умуман, шаҳар ҳокимлигининг шу соҳага дахлдор раҳбарлари билан суҳбатда ҳам биз пуллик автомобиль тўхташ жойининг бўлиши, бу ерда қандай хизмат кўрсатилиши, умуман бу соҳанинг маълум қонун-қоидалари билан чуқур танишаолмадик. Асли шундай қонун-қоидалар бормикан? Биз ҳуқуқий давлат қуряпмиз. Оддий бир фуқаро сифатида мана шу масала билан кимга мурожаат қилиш мумкин?..

Алишер ИБОДИНОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

МУСТАҚИЛЛИК ВА ТАРАҚҚИЁТ ЙЎЛИДАН

Ислом КАРИМОВ:

МАРКАЗИЙ ОСИЁ ҲАМДЎСТЛИГИ БИЗ УЧУН ШУНЧАКИ ИНТЕГРАЦИЯ УДУМИГА ЭРГАШИШ ЭМАС, УСТУН БЎЛИБ ОЛИШ ЁКИ ЎЗ ТАЪСИР ДОИРАМИЗНИ КЕНГАЙТИРИШГА ИНТИЛИШ ҲАМ ЭМАС. БУ XXI АСРДА БИЗНИНГ МУСТАҚИЛЛИК ВА ТАРАҚҚИЁТ ЙЎЛИМИЗДИР.

(«Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» номли китобдан).

Эсингизда, бўлса бундан тўрт йил аввал Тошкентда қардош давлатлар бошлиқларининг навбатдаги учрашуви ўтказилиб, унда жаҳон сиёсий луғатига, харитасига, биринчи бор янги — «Марказий Осиё» деган тушунча олиб кирилганди. Бу билан шу заминда яшаётган минтақа халқларининг манфаатлари, азалий бирлиги тасдиқланганди.

Аслини олганда, бизнинг тарихий томиримиз, анъаналаримиз ва урф-одатларимиз бир хил. Халқларимиз илгари Турон замин деб аталган бу ота юртда минг йиллардан бери ёнма-ён иноқликда, тотувликда яшаб келмоқда. Қон-қардошлик ришталари билан боғланган ва эндиликда мустақиллик йўлида собит қадам ташлаётган мамлакатларимизнинг интилишлари, иқтисодий манфаатлари муштаракдир.

Юртбошимиз Ислом Каримовнинг «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида» номли янги асарида Марказий Осиё ҳамдўстлигининг айнан мана шу жиҳатларига ҳам алоҳида эътибор қаратилган. Китобда жаҳон ҳамжамияти доирасидаги интеграция жараёнлари ҳақида сўз борар экан, Марказий Осиё мамлакатлари даражасидаги интеграция ўзига хос хусусиятлари билан ажралиб турилиши таъкидланади. **«Бу интеграция ўз моҳиятига кўра ҳамиша халқ интеграцияси бўлиб келган ва шундай бўлиб қолмоқда, — деб ёзилади асарда. — Бутун тарих давомида бу минтақа халқлари ажнабий босқинчилар ҳукмронлигига қарши елкама-елка туриб курашиб келганлар. Бу халқларнинг вакилларини мустақилликни қўлга киритиш ва мустақил давлатлар тузиш ғояси бирлаштирган».** Биз юқорида тилга олган Тошкентдаги учрашувда Ўзбекистон, Қозоғистон ва Қирғизистон Президентлари томонидан Марказий Осиё минтақасининг бу уч мустақил мамлакатлари ўртасида ягона иқтисодий маконни ташкил этиш ҳақидаги шартномаси ҳам имзоланган эди. Ўтган йиллар мобайнида Марказий Осиё ҳамдўстлиги чин воқеликка айланиб, кундан - кунга ривожланиб, мустаҳкамланиб бормоқда. Бу ҳамдўстликнинг истиқболига ишонч билан қараш учун ҳамма асослар мавжуд. Масалан, зарур ҳуқуқий ва таш

Марказий Осиё Ҳамдўстлиги

килий шарт-шароитлар яратилган. Давлатлараро Кенгаш изчил фаолият кўрсатиб турибди. Ҳамдўстлик дастурларини амалга ошириш бўйича ижроия қўмита, Марказий Осиё ҳамкорлик ва тараққиёт банки («Центразбанк») ташкил этилган. Иштирок этувчи бу уч давлатлар иқтисодий интеграциясининг 2000 йилгача мўлжалланган ва қарийб 50 дан зиёд муайян лойиҳани ўз ичига олган ҳукуматлараро дастурлари ишлаб чиқилди. Энг муҳими, ягона иқтисодий маконни вужудга келтириш учун асос солинмоқда.

Айни чоғда бу уч қардош мамлакат ўз ташқи мудофаа сиёсатларини уйғунлаштиришга ҳам бевосита яқинлашди. Ягона иқтисодий макон ташкил этиш тўғрисидаги шартномада қатнашувчи мамлакатлар мудофаа вазирлари кенгашининг низоми тасдиқланди. Юртбошимиз янги асарида таъкидланганидек, **бу ҳамдўстликнинг ташкил этилиши Марказий Осиё давлатларининг бошқа давлатлардан яккаланиб қолишини билдирмайди. Шу билан бирга бу ҳамдўстлик МДҲ доирасидаги интеграция жараёнларига ҳам қарши қўйилмагандир. Марказий Осиё ҳамдўстлиги энг аввало давлатчиликни қарор топтириш ва бозор муносабатларига ўтишнинг мураккаб даврида минтақадаги мамлакатларнинг кучғайратлари ва саъй-ҳаракатларини жипслаштиришга қаратилган бўлиб, бу уч давлат интеграцияси ҳудудий бирлик, коммуникациялар, иқтисодиётнинг янгича тармоқлари муштараклиги, сув хўжалиги ва энергетика иншоотларини биргалашиб ишлатиш, энергия заҳиралари билан таъминлаш эҳтиёжи тақозо этган объектив заруриятдир.**

Агар собиқ Иттифоқ парчаланиб кетган ва мустақил давлатлар ҳамдўстлиги тузилган ўтган даврга эътибор берсак, Марказий Осиё Республикаларини интеграциялашуви учун ҳақиқатан ҳам бир қатор дастлабки шарт-шароит ва сабаблар мавжуд эканлигига ишонч ҳосил қиламиз. Юқорида таъкидлаганимиз — ижтимоий-иқтисодий муаммоларнинг бир хиллиги, иқтисодий ривожланишнинг бошлангич даражаси бараварлиги, ягона транспорт-энергетика коммуникациялари, сув заҳираларини биргалашиб ишлатиш — шулар жумласига киради.

Давлатимиз раҳбари ўз асарида айни чоғда ушбу минтақада яшаётган барча халқларнинг хавфсизлиги учун муштарак бўлган таҳдидлар мавжудлигини ҳам таъкидлайди. Айниқса, Оролнинг қуриб бораётганлиги, наркотик моддалар, қуролярог, терроризм, диний фундаментализмнинг кириб келиши, Афғонистон томонидан кескинлик ва беқарорликнинг ёйилиш хавфи ҳамда бошқа бир қатор омиллар минтақа хавфсизлигига таҳдид солиши мумкинлиги кўрсатиб ўтилади.

«Бир нарса равшанки, барқарорлик ва жўғрофий-сиёсий мувозанат сақланиб қолган шароитдагина бу минтақа жўшқин ва собит қадам ривожланади, жаҳон ҳамжамияти учун муносиб шерик бўла олади». Дарҳақиқат, минтақада жўғрофий-сиёсий мувозанат ва барқарорлик сақланса, бу ерда тўпланиб қолган сиёсий-иқтисодий, транспорт ва экологияга оид ҳамда бошқа барча муаммоларни ҳал этиш имкони туғилади.

Марказий Осиё давлат бошлиқлари буни яхши тушунган ҳолда ялпи хавфсизликни таъминлаш масалаларига Давлатлараро Кенгашнинг ҳар бир йиғилишида алоҳида эътибор беришмоқда. **Жумладан, куни кеча Қирғизистоннинг Чўлпонота шаҳрида бўлиб ўтган уч давлат раҳбарининг навбатдаги учрашувида ҳам минтақада тинчлик ва барқарорликни таъминлаш масалалари, шунингдек, Афғонистон ва Тожикистонда кечаётган воқеалар юзасидан фикр алмашилди.**

Давлатлараро Кенгашнинг мазкур йиғилишида ягона иқтисодий макон доирасида ҳозирга қадар имзоланган ҳужжатлар ва қабул қилинган қарорларнинг амалга ошиш жараёни, Марказий Осиё иқтисодиёти учун махсус дастур, уч мамлакат парламентлари фаолияти билан боғлиқ масалалар муҳокама этилди.

Айни чоғда Ўзбекистон, Қозоғистон ва Қирғизистон Республикаси ўртасида БМТнинг заҳирадаги кучлари ҳисобланган Марказий Осиё тинчлик батальони аскарлари мақоми; Давлатлараро Кенгаш ва унинг муассасалари тўғрисидаги битимга ўзгартиришлар киритиш ҳақидаги ҳужжатлар имзоланди. Бундан ташқари Бишкекда Афғонистон бўйича халқаро тинчлик конференциясини ўтказиш тўғрисида ва «Центразбанк» фаолияти тўғрисида бир қатор қарорлар қабул қилинди.

Тан олиб айтиш керак: юртбошимиз китобида тўғри таъкидланганидек, **бугунги кунда сайёрамизнинг жуда катта майдонида кучлар нисбати кўп жиҳатдан Марказий Осиёдаги янги мустақил давлатлар қайси йўлдан боришларига боғлиқдир.** Ҳалқаро муносабатларнинг сифат жиҳатидан янгича тартибини шакллантириш жараёнида иштирок этаётганлар буни эътироф этмасликлари мумкин эмас. Бу — бор ҳақиқат. Бинобарин, Марказий Осиё ҳамдўстлигининг мустаҳкамланиб, нуфузи ортиб бораётганлигига бугунга келиб жаҳон оммавий ахборот воситалари ҳам алоҳида эътибор қаратмоқдалар.

Масалан, Россияда чиқадиган «Независимая газета»синг шу йил 11 июль сонида **«Марказий Осиё ҳамдўстлиги таъсири кучаймоқда»** сарлавҳали мақолада Марказий Осиё ҳамдўстлиги ташкил этилгандан буён ўтган давр мобайнида ўз яшовчанлигини исботлаганини, бу уч давлат ўртасида имзоланган ҳужжатлар изчил амалга оширилаётганлиги, юзага келган мавжуд муаммолар эса биргаликда ҳал этилаётгани таъкидланади.

Мазкур газетанинг ёзишича, **Марказий Осиё Ҳамдўстлиги аъзолари келишилган ташқи сиёсат олиб бориши натижасида қўшни давлатлар минтақавий хавфсизлик муаммоларини ҳал қилишда уларнинг фикри билан тўлиқ ҳисоблашишга мажбур бўлмоқда.**

«Марказий Осиё ҳамдўстлигининг ҳаётийлиги икки муҳим принципга асосланади», — деб ёзади газета. — «Бу ҳамдўстлик иштирокчиларининг бир-бирларининг олдида моддий жавобгарлик ва унинг аъзолари ўзаро тенглигидир. Каримов, Назарбоев ва Акаевлар ўз ҳамдўстликлари доирасида Европа Иттифоқи асосий тамойилларини ишлатишга муваффақ бўлмоқдалар».

«Независимая газета» Марказий Осиё ҳамдўстлиги изчил фаолияти ҳақида ёзар экан, мақола сўнггида **«МДҲни мустаҳкамлаш учун нафақат Европа Иттифоқи, балки Марказий Осиё ҳамдўстлиги тажрибасидан фойдаланиш ҳам самарали бўлиши»**ни таъкидлайди.

Хориж матбуоти билдирган бу фикрлардан ҳам кўриниб турибдики, Марказий Осиё давлатлари жаҳон иқтисодиёти, маданияти ва сиёсатида муносиб ўрин олиш учун тарихий имкониятларга эга. Бу имкониятлардан самарали фойдаланиш эса уч ҳамдўстлик аъзосининг биргаликдаги муштарак саъй-ҳаракатларига боғлиқдир. Ишончимиз комилки, бу ҳаракатлар, бу бирликни амалга ошириш, ҳеч шубҳасиз, шу заминда яшаётган халқларимизнинг манфаатларига тўла мос келади, уларнинг мустақиллик ва тараққиёт йўлидан изчил боришини таъминлайди.

Аслиддин БОЛИЕВ.

"ЎзДЭУавто"нинг жаҳон андозаларидаги "ДАМАС", "ТИКО", "НЕКСИЯ" автомобилларидан харид килмоқчимисиз?

Марҳамат, "ГазмолАНД" ҳиссадорлик жамияти хизматингизга тайёр!

Мамлакатимиздаги давлат ташкилотлари жамоалари, тижорат фирмалари ва фуқароларга "ЎзДЭУавто"да ишлаб чиқарилаётган "ДАМАС", "ТИКО", "НЕКСИЯ" автомобилларининг барча тури ва рангдагисини нақд пулга ёки пул ўтказиш йўли билан чакана ҳамда улгуржи миқдорда сотишни амалга оширади. Улгуржи сотиб олувчи барча харидорларга шартномаларни факс орқали тузиш ва пул ўтказишни таклиф этади.

"ЎзДЭУавто" автомобиллари харидорларига кўнгилдагидек хизмат кўрсатиб хурсанд этиш "ГазмолАНД" жамоасининг эзгу иши.

Харид этилган автомобилларнинг ҳужжатлари шу жойнинг ўзида, тез, ва сифатли расмийлаштирилади.

Манзил: Андижон шаҳар, Ахтачи саноат ҳудуди, Лойиҳалаш кўчаси, 23-уй.
(Мўлжал: аввалги "Ўзтекстилторг" ёки Бакалея базалари.)
Телефонлар: 24-04-08, 91-12-46, 91-12-39. Факс: 29-42-67, 24-04-08.

"ГАЗМОЛАНД"
ҳиссадорлик жамияти харидингиздан ҳамиша хурсанд.

СИЁСИЙ ИҚЛИМ

Покистон билан Туркманистон ўртасида 1998 йилдан «Туркманистон — Афғонистон — Покистон» йўналишидаги газ қувури қурилишини бошлаш тўғрисидаги шартнома имзоланди. Покистондаги оммавий ахборот воситаларининг хабар беришича, мазкур йирик қурилиш лойиҳасининг умумий баҳоси 2,7 миллиард АҚШ долларига тенг.

Янги қувур орқали йилига 20 миллиард куб метр газни ҳайдаш мумкин.

* * *

Афғонистонда «Толибон» ҳаракатига қарши бирлашган каолиционон кучлар мамлакат пойтахти Кобул томон юришларни давом эттирмоқдалар. Коалиционон кучларнинг шиддатли ҳужумларига бардош бера олмай қолган толиблар Кобул яқинидаги тепаликлар ҳамда Шакар-Дара шаҳарчасини ташлаб кетишга мажбур бўлди.

* * *

Хориж матбуоти хабарларига қараганда, жанглар давомида асирга олинган толиблар орасида бир неча Покистон фуқароси бор. Шунингдек, тўқнашувлар оқибатида ҳалок бўлганлар орасида «Толибон» ҳаракати раҳбарларидан мулла Азиз ва мулла Ёрмуҳаммад Шафақнинг жасадлари топилган.

САВДО ТАШКИЛОТЛАРИ, ТИЖОРАТ ДЎКОНЛАРИ, ФИРМА РАҲБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

Ёзнинг жазирама иссиқ кунларида мижозларингизни узлуксиз равишда музқаймоқ билан таъминлашни хоҳласангиз,

мурожаат қилинг. Улар сизга қаймоқли, шоколадли, сариёғли, мевали ва бошқа маҳсулотлардан тайёрланган турли музқаймоқларни

ТАКЛИФ ЭТАДИ.

Тўлов усули — пул ўтказиш йўли билан.
Бизнинг манзил: Тошкент шаҳри, Ҳамза тумани, Мухтор Ашрафий кўчаси, 2-тор кўча, 4-уй.
Телефонлар: 93-34-34, 91-30-17, 93-35-55.

ОЛАМ КЎЗГУСИ

Америка Мудофаа вазирлиги Тайванга 479 миллион АҚШ доллари миқдоридаги 21 ҳарбий вертолёт сотишга қарор қилганини мамлакат конгрессига расман маълум қилди.

Бироқ АҚШ конгресси Тайваннинг ҳарбий жиҳатдан қўллаб-қувватланиши Шарқий Осиёда кучлар мувозанатига таъсир этиши мумкинлигини ҳисобга олиб, ушбу қарорни рад этиши ҳам эҳтимолдан ҳоли эмас.

* * *

Жаҳон банки Озарбойжондаги иқтисодий ислоҳотларни фаоллаштириш учун бу мамлакатга 70 миллион АҚШ доллари миқдорида кредит ажратди.

Жаҳон банки қошидаги халқаро тараққиёт уюшмаси (ХТУ) етказиб берадиган бу маблағ Озарбойжонда эркин рақобат муҳитини шакллантириш, фаолият соҳаси нефтни қайта ишлаш саноатига боғлиқ бўлмаган тадбиркорлар ишини ривожлантиришга сарфланади.

* * *

АҚШ Президенти Билл Клинтон ҒФР Президенти Роман Херцог билан учрашди. Унда Босния ва Герцеговинада тинчликни сақлаш доирасидаги ишларнинг бориши ҳақида сўз борди. Шунингдек, Президентлар Украинада ўтказилаётган иқтисодий ислоҳотларни қўллаб-қувватлаш ва бу мамлакат билан НАТО ўртасидаги мунносабатларни янада яхшилаш билан боғлиқ масалалар юзасидан фикр алмашди.

Тошкент шаҳар Мирзо Улуғбек туманидаги «Фаровон-Ш» масъулияти чекланган жамият

ТУГАТИЛАДИ

Даъволар эълон чиққан кундан бошлаб бир ой муддатда қабул қилинади.

O‘ZBEKISTON OVOZI

O‘zbekiston Xalq demokratik partiyasi gazetasi

1997-yil 29-iyul, seshanba № 88 (22.172).

Gazeta 1918- yil 21-iyundan chiqa boshlagan

Vatanni sevmak iymondandur!

Абдулла Қодирий номидаги Давлат мукофотига номзодлар

СОҲИБҚИРОН САБОҚЛАРИ

Миллий истиқлол шарофати билан буюк тарихий шахсларнинг ҳаётини адолатли, ҳаққоний тасвирлашга имкон туғилгани қувонарлидир. Шу маънода адибларимиз ва шоирларимиз, тарихчиларимиз эллик йилда қилолмаган ишларини, орзу-ниятларини кейинги йилларда тезлик билан амалга ошира бошладилар. Маъруф Жалилнинг «Соҳибқирон» драматик достони, Абдулла Ориф достони ва Олим Бурининг шеърий романлари, Бурибой Аҳмедов, Муҳаммад Али ва Евгений Березиковнинг тарихий роман-хроникалари, бошқа адиб ва тарихчиларнинг қисса ва ҳикоялари, илмий тадқиқотлари вужудга келди.

Шулар орасида атоқли муаррих Бурибой Аҳмедовнинг «Амир Темур» роман-хроникаси бошдан-оёқ илмий манбаларга асосланган, муҳим сиёсий ва тарихий воқеалар кенг тасвирлангани, тарихий шахсларнинг жуда кўп иштирок этиши билан ажралиб туради.

Асар узоқ асрлар мўғул истилочиларининг асоратида вайрон ва хароб бўлган Мовароуннаҳрдаги бошбошдоқлик, нотинчликлар тасвири билан бошланади. Бешхтиёр, Ўзбекистонда яшаб, баракали ижод қилган катта рус адиби Сергей Бородиннинг «Самарқанд осмонида юлдузлар» тетралогиясида буюк соҳибқирон ва унинг баҳодир сафдошлари нақадар жирканч қиёфаларда тасвирлангани, узоқ йиллар давомида бунга чидаб юрганимиз, гоҳо норозилик билдирганимиз учун чеккан ташвишларимиз ёдимизга тушади. Бурибой Аҳмедов роман-хроникасида Сергей Бородин ижодига хос кучли бадиий ўқ албатта, аммо бунда жирканч ёлғонлар ҳам йўқ, аксинча тарихий ҳақиқат, халқимизнинг буюк фарзандларига меҳр-муҳаббат бор. «Амир Темур» роман-хроникасида муайян бадиий тасвирлар ҳам борлигини эътироф этиш зарур. Аммо, бу жуда катта илмий-ижодий меҳнат маҳсули. Унинг саҳифаларида Низомиддин Шомий, Шарафиддин Али Яздий, Абдуразоқ Самарқандий ва бошқаларнинг муътабар, ишончли китобларига суяниб ёзилган тарихий воқеаларнинг ҳаққоний тафсилотлари бор. Китобни ана шу табаррук ишончли манбаларнинг илмий-бадиий, оммабоп талқини дейиш мумкин.

Асар қаҳрамони кўпинча юрт бошига тушган улкан ташвишлар, изтироблар гирдобида бериладики, бу табиий ҳолдир. Чунки, халқ тақдири қил устида турган ана шу долғали воқеаларда қаҳрамон фаол қатнашади. У ёшлигидан имон, инсоф, адолат таълимини берган пирлари, устозларининг айтганларига амал қилади.

Амир Темур даставвал, ҳали катта мавқега эришмаган вақтларида мўғул истилочиларининг асосий қонуни — ясоқ буйича иш тутишга мажбур бўлади. Аммо, кўп ўтмай, Шамсиддин Кулол, Сайид Амир Кулол, Абу Бакр Зайниддин Тойибодий каби авлиё устозларининг қонуний фатволарини олгач, ислом дини шариатининг адолатли, инсонпарвар, қонун-қоидаларини ўрнатга бошлайди. Агар шундай қилмаса, устозлари — ҳақ таоло фармонини бажарувчи авлиё шайхлар бошқа адолатли одамни топиб, ҳокимиятни ушанга топширар эдилар. Зеро, Амир Темур ёшлигидан зулм ва ноҳақликни ёмон кўрувчи, яхши, инсоний фазилатларни, олижаноб, олийҳиммат, маърифатли одамларни қадрловчи, маънавий баркамол шахс бўлиб етишаётган эди. Тўғри, унда ҳам инсонга хос баъзи камчиликлар бор эди, аммо етук пирлари ундаги камчиликларни вақтида айтиб, огоҳлантириб, баркамоллик йўлига бошладилар.

Шундай олийҳимматлиги, жасурлиги, асл дўстларига содиқлиги билан ҳам у жуда кўп мард, баҳодир сафдошларини ўз атрофига бирлаштира олди.

Буюк муаррих ва авлиё Шарафиддин Али Яздий «Зафарнома» асарида исломдаги ҳамиша рост сўзлаш қоидасига амал қилиб, мўғул истилочиларига қарши қаҳрамонларча курашган Самарқанд сарбадорларини мақтаб, юксак баҳолайди: «Жата (Мўғулистон лашкарининг) қўрғони бўлмагани сабабли, Мавлонозода Самарқандий, мавлоно Хурдак Бухорий ва Абу Бакр Калавий Наддаф шаҳар аҳлини оёққа турғазиб, шаҳарда кучабанд (баррикадалар ўрнатиб) ва муҳофаза қилишга киришдилар. Маълум муддат раъият (халқ) ҳеч бир подшоҳнинг шон-шукуҳисиз, бошдан-оёқ қуролланган ғаддор ёв билан адолат ва ҳақиқат учун мардларча» курашдилар. Бу тарихий воқеа, халқ жасорати Муҳаммад Алининг романида заифроқ, Азим Суюн драмасида равшанроқ тасвирланган. Шарафиддин Али Яздий бу ҳақда яна бундай дейди: «Душманга ҳужум қилишда ва мудофаада (сарбадорлар) шундай матонат кўрсатдиларки, ғанимларнинг ҳукмронлиги ва истило қўли ул шаҳар аҳолисининг номуси ва моли этагига етмади. Одамлар шаҳар ичидагилар қамал муддатининг чўзилиб кетганидан жуда танг аҳволга тушиб қолдилар. Шунда бечоралар ҳалоскори бўлмиш Тангри таолонинг лутфи уларнинг оҳу-фиғонини эшитди ва ҳар бир мушкулликда бир янгилик (ҳикмат) бор оятининг руҳ бахш этувчи насими Оллоҳ раҳматининг даргоҳидан эсди. Жата сипоҳининг отлари орасида вабо тарқалди... Шу сабабдан улар ночор ва ҳайрон бўлиб, уша ердан (ўз юртларига) қайтиб кетдилар». Бу ажойиб эпизод Бурибой Аҳмедов, Абдулла Ориф, Бақо Седиқовларнинг 2 қисмли «Амир Темур» бадиий фильмида жуда таъсирли қилиб берилган.

Бурибой Аҳмедов асарида Самарқанд сарбадорлари воқеаси (1365) тилга олинса-да, кенг тасвирланмайди. Муаллиф бошқа адибларнинг асаридаги тасвирларни такрорлашни истамагандир.

Бурибой Аҳмедов асарида шундан кейинги муҳим воқеа — амир Ҳусайн билан Амир Темурнинг Самарқанд сарбадорларига муносабатини анча кенг тасвирлайди. Чунки, худди шу воқеада амир Ҳусайннинг молдавлат учун номардлик ва шафқатсизлик қилиши, амир Темурнинг мўғул истилочиларига қарши жангда қаҳрамонлик кўрсатган сарбадорларни улимдан қутқаришга уриниши каби ҳислатлари яққол кўринади.

Бурибой Аҳмедов китобида ҳам «Лой жанги» ва у билан боғлиқ воқеалар кенг тасвирланади. Айниқса, Мовароуннаҳрлик икки буюк баҳодир — амир Ҳусайн билан Амир Темур ўртасида кечган дўстлик аҳд-паймонлари, бу аҳд-паймонларнинг амир Ҳусайн тарафидан неча бор бузилиши кўрсатилади.

Мўғул хонлари авлодига мансублиги билан кибрланиб юрган амир Ҳусайн насаби «олий» бўлса ҳам ҳиммати пастлиги, очкўзлиги, олифтагарчиликлари охири ўзининг бошига етди.

Қурьони карим оятларида халққа жабр-зулм қилувчилар дўзахий эканлиги, эл-юртга, бечораларга адолат ва меҳру шафқат қилувчилар жаннатий эканлиги Ҳақ таоло томонидан минг бора уқтирилади. Ҳақ таолонинг амрига бўйсунмайдиган, агар тўрт тангалик фойда топса итга ва эшакка ҳам бўйсунадиган, имони заиф одамлар Ҳақнинг ризолигини ва халқнинг дуосини ололмайдилар. Бурибой Аҳмедовнинг илмий романида мана шу асосий ғоя барча тарихий воқеларга сингдириб юборилган.

Илмий-биографик роман сифатида бу асар мактаб ва дорилфунунларда, ёшлар ва катталарнинг кўпгина авлодларида тарихимизнинг узоқлиги ва мураккаблиги, жасорат ва қаҳрамонликларга бойлиги, ватанпарварлик ва инсонийлик мактаби эканлиги ҳақида равшан тасаввур уйғотади.

Романда соҳибқиронинг оилавий ҳаёти, аҳли аёлларига, фарзандларига, келинлари ва набираларига муносабати анча кенг ёритилади. Айниқса, Амир Темур билан Бибихоним муносабатлари, инсоний фазилатлари, одоб-ҳаё, фарзандлар ва невараларнинг тарбияси билан боғлиқ ҳолда тасвирланади.

Асарда Амир Темур билан Ўзбек улуси, Олтин Урда ҳукмдори Тўхтамишхон ўртасидаги келишувлар ва ихтилофлар, соҳибқирон билан Рум султони Елдирим Боязид орасидаги муносабатлар ва уруш фожиалари кенг қуламда тасвирланади. Булар ўзаро аҳил бўлиб, келишганларида Мовароуннаҳр ва Марказий Осиё халқлари Россия мустабидларининг босқинларини кўрмаган, неча-неча авлодлар қуллик асоратида яшамаган бўлур эдилар. Тарих ва тақдирни ўзгартиб бўлмайди, аммо ундан буюк сабоқлар олиб, келажакдаги бахт-иқболни асрай олиш учун доно сиёсат юритиш талаб қилинади. Ҳозирги Марказий Осиё минтақасидаги янги давлатларнинг раҳбарлари тарихнинг сабоқларини ёдда тутиб, ўзаро аҳил, тинч, тотув, яқин ҳамкорликда яшаётгани буюк тарихий ғалабамиздир.

«Амир Темур» роман-хроникаси ана шу тарихий сабоқлари билан ҳам халқимизни маърифий бойитиши билан ҳам қимматлидир.

Барот БОЙҚОБИЛ,
Навоий мукофоти соҳиби,
Маҳкам МАҲМУД,
Ахмад Яссавий мукофоти соҳиби.

Акционерное общество «УЗМЕТАЛЛТОРГ» предлагает:

	НАИМЕНОВАНИЕ ПРОДУКЦИИ	ЦЕНА ЗА 1тн В СУММАХ
1	Баллоны кислородные	9500
2	Уголок 140х140	56500
3	Уголок 160х160	53500
4	Рельсы Р-33	17931-06
5	Уголок 200х200	53500
6	Балка 30	56500
7	Накладки-подкладки	6468.90
8	Фитинги (угольники, крестовина, контрогайки, муфты, тройники)	договорная
9	Лента нихромовая	договорная
10	Заклепки стальные разных размеров	6897-00
11	Гвозди разных размеров	договорная
12	Шайба пружинная разных размеров	договорная
13	Сетка стальная просечно-вытяжная кв.м	183-00
14	Электродвигатели 4 ам-100шт	договорная
15	Канаты разные	договорная
16	Флянцы разные шт	договорная
17	Винты разные	договорная
18	Сетка рабица кв.м 25Х1.8	250-00
19	Флюс АОР-4А	206169
20	Ртуть	197378
21	Латунный порошок	110940
22	Сталинит	66893
23	Медный порошок	199692
24	Титановый прокат	436128
25	Сталь калиброванная	19083-60
26	Сталь конструкционная Ш-П	17663-16
27	Сталь инструментальная	28886-60
28	Сталь сортовая нержавеющая никелесодержащая	120042-00
29	Пер. Профиль 16 ст - 5	27327-03

Адрес: г. Ташкент, улица Уста Ширин, 135. АО «Узметаллторг».
Телефоны: 48-47-66, 48-30-64, 48-07-05, 48-47-07, 48-50-31.

АНГЛИЯДА ЎҚИЙДИГАН БЎЛДИ

НУКУС. Қорақалпоқ давлат университети юридик-тарих факультетининг толиби Дўстберган Мусаев иқтидорли ёшларни қўллаб-қувватлаш «Умид» жамғармаси синовларидан муваффақиятли ўтди. Энди у ўқишни Англиянинг Бирмингтем университетида давом эттирадиган бўлди. Шунингдек, Нукус лицейининг ўқувчилари Алишер Санатуллаев билан Икром Аҳмедовлар август ойида Туркияда ўтказиладиган Евроосиё олимпиадаларида қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритдилар.

Шарофат ЙЎЛДОШЕВА.

ДИҚҚАТ! ДИҚҚАТ! ДИҚҚАТ!

Азиз юртдошлар! Ишбилармон ва тадбиркор жаноблар!

Мустақил Ўзбекистонимиз тарихида биринчи маротаба Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ва Республика Кўчмас мулк биржаси Сизларни 1997 йил 7 август, пайшанба куни соат 10.00 да Республика Биржалар маркази биносида бўлиб ўтадиган Соҳибқирон бобомиз Амир Темур таваллудининг 660 йиллиги муносабати билан зарб қилинган олтин юбилей тангаларининг



КИМОШДИ савдосига таклиф этади



Мазкур танга соф олтиндан тайёрланган бўлиб 99,99 пробага эга, оғирлиги 31.1 граммни ташкил этади.

Танга олд томонининг марказида от жиловлаган Амир Темур ҳайкали акс эттирилган, унинг тагида танга қийматини англатувчи 100 рақами ва «so'm» ёзуви мавжуд. Ҳайкалнинг чап тарафида 1336 ва ўнгида 1405 рақамлари жойлашган. Танга бўйлаб ёй шаклида «AMIR TEMUR» деб ёзилган.

Танганинг орқа томонида Ўзбекистон Республикаси Рамзи акс эттирилган ва «O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI 1997» ёй шаклида қилиб ёзилган.

Олтин юбилей тангалари чекланган миқдорда зарб қилинган ва нумизматик қийматга эгадир.

Бир дона танганинг бошланғич нархи — 550 АҚШ долларига тенг.

Олтин юбилей тангалари савдоси АҚШ долларида нақд пул ёки пул ўтказиш йўли билан амалга оширилади. Кимошди савдосида харид қилинадиган тангалар сони чекланмаган. Кимошди савдосида қатнашиш учун тахминан харид қилинадиган тангалар сони кўрсатилган аризалар топширилади. Олтин танганинг дастлабки баҳосининг 10 фоиз миқдоридаги гаров пули нақд пул билан Ўзбекистон Республикаси Марказий банки кассасига (манзил: Тошкент шаҳри, Ўзбекистон шоҳ кўчаси, 6), пул ўтказиш йўли билан эса Марказий банкнинг Ташқи иқтисодий фаолият миллий банкидаги вакиллик ҳисоб-рақами (№20802840400000001003)га ўтказилади.

Харид қилинган олтин юбилей тангалари тўловлари Республика Биржалар маркази биносида жойлашган валюта алмашув пунктида нақд пул тўлаш ёки Марказий банк ҳисоб-рақамига пул ўтказиш йўли билан амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки чет элликларга харид қилинган юбилей тангаларини хорижга олиб чиқиб кетиш учун рухсат беради.

Олтин юбилей тангаларнинг кимошди савдосида — Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, қонуний тарзда рўйхатдан ўтган барча корхона ва ташкилотлар, чет эл элчихоналари, дипломатик ва халқаро ваколатхоналар ҳамда республика ҳудудида доимий ва муваққат яшаётган чет эл фуқаролари қатнашиш ҳуқуқига эга.

Кимошди савдосида иштирок этиш учун аризалар Республика Биржалар маркази биносида жойлашган Республика Кўчмас мулк биржасида, 1997 йилнинг 28 июлидан 6 августига қадар қабул қилинади. Ҳурматли хонимлар ва жаноблар! Кимошди савдоси иштирокчилари сони чекланган — шошилинг!

Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, «Правда Востока» кўчаси, 8-уй. Ўзбекистон Биржалар маркази биноси. Телефонлар: 136-15-28, 136-15-29. 136-79-62, 132-06-10. Факс: 136-15-32, 136-06-17.

Бош муҳаррир
Азим СУЮН

Таҳрир ҳайъати

Абдулла ОРИПОВ
Абдулҳафиз ЖАЛОЛОВ
Азиз НОСИРОВ
Одилжон ОЛИМЖОНОВ
Ислом ШОҒУЛОМОВ
Салим АШУРОВ (бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари)
Норбобо ШАКАРОВ (бош муҳаррир ўринбосари)
Виктор ЗВЕРЕВ (бош муҳаррир ўринбосари — «Голос Узбекистана»)
Алимқул СУЛТОНОВ (масъул котиб — «Ўзбекистон овози»)

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ
ГОЛОС УЗБЕКИСТАНА

МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

БЎЛИМЛАР:

Мафкура ишлари ва партия ҳаёти — 133-07-20, 136-33-40.
Парламент фаолияти ва ҳуқуқ — 133-11-49, 136-54-06.
Иқтисодиёт — 133-21-43, 136-57-22.
Фан ва маданият — 133-07-20, 136-33-40.
Хатлар ва оммавий ишлар — 133-76-04.
Ахборот ва спорт — 133-12-56, 136-55-16.
Халқаро ҳаёт — 133-20-36.
Саноат, қурилиш ва транспорт бўлими — 133-07-20.
Реклама ва эълонлар — 133-38-55, 133-47-80.
факс — 133-38-55, 133-54-55

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:

Андижонда — 24-16-48;
Бухорода — 23-80-06;
Гулистонда — 25-16-22;
Жиззахда — 3-31-86;
Навоийда — 3-39-20;
Наманганда — 6-43-43;
Нукусда — 7-58-83;
Каттақўрғонда — 5-33-46;
Тошкентда — 33-76-04;
Урганчда — 6-51-35;
Фарғонада — 24-54-61;
Қаршида — 3-25-79;
Қумқўрғонда — 5-26-24.

МАНЗИЛИМИЗ:

700000, ТОШКЕНТ, МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32-УЙ.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси.

Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Навбатчи муҳаррир А. ПЎЛАТОВ, навбатчи Х. АБДУЛЛАЕВ.

Рўйхатдан ўтиш тартиби №00120

Газета офсет усулида А—2 форматида 33 824 нусхада босилди

Ҳажми 2 босма табоқ

«Ўзбекистон овози» материалларини кўчириб босиш фақат таҳририят рухсати билан амалга оширилади.

Г — 0433

Босишга топшириш вакти — 21.00. Топширилди 21.50.
1 2 3 4 5 6.

СОТУВДА ЭРКИН НАРХДА